



**O'zbekiston Milliy axborot agentligi
O'zA Ilm-fan bo'limi**

Elektron jurnal
2023 yil fevral soni №02 (40)

Toshkent-2023

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎзА ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)

**Илмий нашр
2023 йил февраль ойи сони №02 (40)**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2019 йил 28 мартағи 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан ташкил этилган.

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб қайтарилемайди, журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар ЎзА Илм-фанд бўлими (электрон журнал)дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Электрон журналга бир ярим оралиқдаги материаллар “Microcoft Word” редактори, “Times New Roman” шрифтида электрон версия шаклида қабул қилинади.

Таҳрир кенгаши

А.Кўчимов
А.Аскаров
Д.Ю.Юсупова
А.Х.Саидов
Т.Ў.Арипова
Қ.Р.Аллаев
С.М.Туробжонов
Ш.Т.Кудратхўжа
Н.А.Хусанов

Қ.Ш.Омонов
А.С.Сагдуллаев
С.С.Ғуломов
Ф.Г.Назиров
Р.Д.Курбанов
М.Ҳ.Рустамбоев
Н.М.Махмудов
И.С.Саифназаров
Н.Х.Обломуродов
Г.А.Мардонова

**Манзилимиз: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй
Тел: (+99871) 233-09-21; (+99899) 833-62-71**

Инновацион ғоялар ва ишланмалар НАВОЙНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАРИ ВА СОҲА ЛЕКСИКАСИ

Нишонбай ҲУСАНОВ

Профессор

филология фанлари доктори

Тошкент молия институти

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада Алишер Навойининг иқтисодиёт соҳасига оид назарий қарашлари, амалий тажрибаси, сармояни иқтисодиётга тўғри сарфлаш усуллари хусусида сўз юритилади. Шунингдек, аллома асарларидағи иқтисодий сўз ва терминларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари таҳлил этилиб, тилшунослик фани олдида турган муаммоларга эътибор қаратилади.

Таянч сўзлар: иқтисодиёт, сармоя, бойлик, сарф-харажат, меъморчилик.

ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ НАВОИ И ЛЕКСИКА ОТРАСЛИ

Нишонбай ҲУСАНОВ

Профессор

доктор филологических наук

Ташкентский финансовый институт

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье речь идет о теоретических взглядах Алишера Навои на экономику, его практическом опыте, методах правильного инвестирования средств в экономику, анализируются лексико-семантические и методологические особенности экономических слов и терминов в трудах мыслителя, акцентируется внимание на проблемах, стоящих перед языкоzнанием.

Ключевые слова: экономика, инвестиции, богатство, расходы, зодчество.

XV аср ўзбек халқининг сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий ҳаётида муҳим ўзгаришлар ва юксалишлар юз берган “олтин давр” ҳисобланади. Бу даврда илм-фан юксалган, меъморчилик, адабиёт, тасвирий санъатда бебаҳо асарлар яратилган, хаттотлик, мусиқа ва бошқа шу каби соҳалар ривожланган, улкан маданий обидалар бунёд этилган. Зоро, Амир Темур асос солган кучли давлатчилик ва ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳадаги ютуқлар умумбашарий тамаддунда ўзига хос ўрин эгаллаган. Соҳибқирон Амир Темур нафақат сиёсий ишларга, балки савдо-сотиқ, қурилиш, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратгани “Темур тузуклари” ва ўша давр ёзма манбаларида ўз ифодасини топган. Темурийларнинг Мовароуннахр ва Хурсонда илм-фан, маданият, санъат, иқтисодиёт соҳасида амалга оширган

ишлари бекиёс. Самарқанддаги меъморчилик, хунармандчилик, маданият, савдо-сотик соҳаларининг тараққиётига Амир Темур асос соглан бўлса, Улуғбек уни давом эттирибина қолмай илм-фан, санъатни юксак даражага етказди. Ер сайдрасини ўлчаш ва астрономия жадвалларини тузиш бўйича Самарқандда академиянинг юзага келиши, Самарқанд (1420), Бухоро (1417), Фиждувон (1433) мадрасаларининг қурилиши, Бухоро мадрасасининг пештоқидаги “Билим олмоққа интилиш – ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир”, деб ёзилган ҳадис Улуғбекнинг илм-фангага, меъморчиликка муносабатининг исботи ҳисобланади. Темурийларнинг иккинчи пойтахти, маданий маркази Ҳиротдаги ишлар темурийзодалар – Шоҳруҳ, Абулқосим Бобур, Ҳусайн Бойқаролар раҳнамолигида амалга оширилган. Темурийлар даврида иқтисодиёт юксак даражада бўлган: ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва сув иншоотлари, хунармандчилик, савдо-сотик, мамлакатлараро иқтисодий муносабатлар ниҳоятда ривожланган.

Бу даврда яшаган ва илм-фан, адабиёт, санъат, маданият соҳасида фаолият кўрсатган олимлар, шоирлар ижодкорларнинг бебаҳо мероси ўрганилган ва тадқиқ этилган. Ўз даврининг етук алломаси, давлат арбоби Алишер Навоий Ҳиротда санъат, адабиёт, илм-фан, меъморчиликнинг тараққиётига раҳнамолик қилди. Унинг маънавий-моддий кўмаги натижасида тарихчилар – Мирхонд ва Хондамир, мусиқачилар – Ҳасан Удий ва Қулмуҳаммад Най, рассомлар – Беҳзод ва Шоҳ Музаффар, хаттотлар – Сутон Али Машҳадий ва Мир Алилар, сўз санъаткорлари – Абдураҳмон Жомий, Ахлий, Мир Ҳусайн Муаммоий, Муҳаммад Бадахший, Осафий, Бинойи, Сайфий Бухорий, Юсуф Бадиий, Ҳилолий ва бошқалар ўз ижодлари, истеъоддлари билан тарихда номларини қолдиришган. Бу ижодкорлар асарларининг яратилиши ва танилиши Навоийнинг бевосита моддий кўмаги, қўллаб-қувватлашига боғлиқ бўлган. Шу сабабли, саховатли ҳомийнинг давлатга ва ҳалққа, хусусий мулкка ва бойликка муносабати, шахсий мулкининг манбаи, сармоя ва фойдани қандай мақсадларда ишлатгани, асарларидағи иқтисодий сўз ва терминларнинг лексик-семантик хусусиятлари масаларини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаронинг энг яқин ва ишончли дўсти бўлгани учун муҳим лавозимларда – амир, муҳрдор, ҳоким, муқарриб (хукмдорнинг энг яқини, маслаҳатчи) фаолият кўрсатган ва кучли, марказлашган, адолатли давлат қуриш ғояси йўлида ҳаракат қилган. Улуғ мутафаккир жамиятдаги адолатсизлик, диёнатсизликка қарши туради, мазлумларга ёрдам беради: “Илигимдан келгунча зулм тифин ушотиб, мазлум жароҳатиға интиқом марҳамин қўйдум. Ва илигимдан келмаганни ул ҳазрат арзиға еткурдим” [7;648] дейди. Матндан “илик” – қўл, “марҳам” – ярага қўйиладиган дори – малҳам, “ҳазрат” – улуғ, ҳурматли зот маъноларини англатади. Навоийнинг оддий ҳалқ учун қилган хизмати, саховати унга Ҳусайн Бойқаро томонидан берилган иқтисодий сифатларда намоён бўлган: “қуввати асҳоб мулқу миллат” (мулки миллат эгаларининг етакчиси), “муассис ал хайрот” (хайр-эҳсонларни таъсис этувчи), “эътиқод ул мулк” (хайр-эҳсон муассасаларига равнақ берувчи). Бу сифатлардаги “мулк” (давлат, кўчмайдиган бойлик, мол-мулк), “хайрот” (саховатлар, савоб учун қилинган ишлар) иқтисодий тушунчаларни англатади.

Навоий ниҳоятда кўп ва катта мулкка эга бўлган. Унинг сармоясининг манбаи энг аввало бобоси (саройда бахши – котиб), сўнгра отаси Ғиёсиддин Кичкина (Кичкина Баҳодир)дан мерос бўлиб қолган мол-мулқдир. Ғиёсиддин темурийлар саройида турли лавозимларда ишлаган ва ўзига хос мавқега, бойликка эга бўлган. Маълумки, ўша даврда ер-сувга эгалик қилиш, фойдаланишнинг энг кўп тарқалган тури – “суюргол” бўлган.

Суюргол ҳукмдорга яқин кишиларга туман ва вилоятдаги катта мулкни мерос тариқасида берилиши бўлиб, суюргол олган шахс аҳолидан ўз фойдасига турли-туман солиқлар, йиғимлар олиш, ўз мулклариға тўла хўжайин бўлиш, истаганича ўзи фойдаланиш, давлатга солиқ тўламаслик ҳуқуқига эга бўлган. Абулқосим Бобур вафотидан сўнг бобоси ва отасидан қолган суюрголлар тортиб олинади, аммо Ҳусайн Бойқаро ҳукмронликни эгаллаганидан сўнг Навоийга алоҳида илтифот кўрсатган: суюрголларни қайтариб берган, мол-мулклар ҳадя қилган. Навоий эса мол-мулкидан келадиган фойда ва бойлигини ҳалқ манфаати йўлида сарфлаган. Бу ҳақда ўша давр тарихчиси Хондамир “Макоримул ахлоқ”да шундай ёзди. “Хукумат эгаси амир Муборизуддин Валибек номига Ҳирот шахри ва унинг атрофидаги аҳолидан зарур харажот учун 100 минг динор кепакий ундириб етказиш ҳақида фармон келди. Ул жаноб пул маблағдан 50 минг динорни бўлукот дехқонлари ва молдорлардан ундириб, қолган қисмини хона бошига сочиш йўли билан Ҳирот ичида истиқомат қилувчилардан ундиришни хаёл қилди. Лекин бирон ишга давлатли Амирнинг фикрисиз ва маслаҳатисиз қўл урмас эдилар. Шунинг учун ҳам ул ҳазратнинг ноибларидан бирини чақириб, бу фикр ул кишига – Навоийга етказилди. Ул киши “бу фурсатда ҳалқ устига ўринсиз солиқ солишни олий даражадаги соҳибқирон давлатига муносиб кўрмаймиз” дедилар ва шу вақтнинг ўзидаёқ мазкур маблағни хусусий пулларидан бердилар. Ҳалқ эса ул ҳазратни дуо қилиб, унга кўпдан-кўп раҳматлар айтди” [9;101].

Навоий мамлакат ободончилиги, меъморчилиги йўлида беқиёс катта ишларни амалга оширган. Давлатшоҳ Самарқандий “Тазкират уш-шуаро” асарида Навоийнинг савобни афзал билиб, ортиқча мол-мулкини меросхўрларга эмас, балки хайр-эҳсон ва хайрли ишларга сарфлаганини таърифлайди.

“Холис мулкини ва ҳалол бойлигини худо йўлига тикиб, мамлакатда мадрасалар, масжидлар, работлар, хайрли иморатлар ҳамда дорушшифо қуришга сарф қилди. Ўша жойларга қилган вақфлари муомалада юрган пул ҳисобида тахминан 500 туман кепакийни ташкил қиласи” [8;18]. Матндаги “туман” сўзи 10 мингга teng пул бирлиги ҳисобланади.

Тарихий манбалардаги маълумотларга асосланиб, Алишер Навоийнинг саъи-ҳаракати ва маблағлари ҳисобига қурилган иморат ва иншоотларни шартли равища куйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: 1) 20 та ҳовуз; 2) 56 та работ; 3) 15 та кўприк; 4) 9 та ҳаммом; 5) 10 дан ортиқ масжид қурган. Навоий Ҳирот жоме масжидини қайтадан таъмирлаган. “Жоме” масжидининг олтита дарвозаси бўлиб, бу масжид 905-йил 14 шаъбон шанба (1500 йил 16 март) куни таъмирдан чиқарилган ва амир Алишер ўша куни катта ош берган ва зиёфатда масжиднинг хатиби, имоми, воъизи, ҳофизи, мутавалли, ходими ҳамда иморатни битирган 100 га яқин усталар қатнашган; 6) Навоий “Дорушшифо”(Шифоийа) номли шифохона қурдирган бўлиб, унда Ғиёсиддин Муҳаммад ибн Мавлоно Жалолиддин бошлиқ табиблар фаолият кўрсатишган; 7) 2 та мадраса ва 10 та хонақоҳ қурган. Навоий бу иншоотларнинг номланишини шундай таърифлайди: “Бу мадрасаларким хулуси ихлосдин ясалди – “Ихлосия” от қўюлди... ва “Ихлосия” мадрасаси ўтрусида бу хонақоҳғаким, иморати ҳар нав риё ва ғашдан холи эрди ва хотирға кўп тараддудин ҳалос берди: “Ҳалосия” от қўйдум” [7;652]. Матндаги “хулуси ихлос”, “ўтру”, “хонақоҳ”, “ғаш”, “ҳалос бермоқ” каби сўз ва бирикмалар “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”да “самимий ихлос”, “қарши, рўпара”, “масжид, сўфиларнинг йиғиладиган жойи, шайх ва дарвешларнинг зикр ўтказадиган жойи”, “алдаш, ноҳушлик”, “қутултироқ” маъноларида изоҳланган [1].

Бу иморатларнинг ҳаммаси Навоийнинг шахсий маблағлари ҳисобига қурилган. Навоийнинг саҳовати ва очикқўллиги, ўз маблағидан ҳисобсиз ободончилик ишларини амалга оширгани, бинолар қургани, қалам аҳли – шоирлар, олимлар, тарихчилар, хаттотлар, мусаввирлар ва бева-бечораларга моддий қўмак бергани Хондамирнинг “Макоримул-ахлоқ”, “Ҳабибус-сияр”, Восифийнинг ”Бадоеъул-вақойи” ва бошқа асарларида ўз ифодасини топган.

Таъкидлаганимиздек, Навоийнинг шахсий мулки ва бойлиги ниҳоятда кўп бўлган. Мол-мулкни бошқаришни тўғри ташкил этиш, катта миқдордаги даромадга эга бўлиш, фойдани оқилона сарфлаш инсондан молиявий билимдан чуқур хабардор бўлишни тақозо этади. Иқтисодчи олим Тоҳир Маликов “Агар огоҳсен...” китобида Навоийнинг билимли ва ўткир молиячи бўлганлигини таърифлаб ёзади: “бобомиз 1 кунда 75 минг динорга тенг бўлган даромадга эга бўлиб, ўша куннинг ўзида унинг 15 минг динорини харажат қилганлар-да, қолган 60 минг динорини эса хайрия-эҳсон мақсадларига сарфлаганлар, ўша пайтдаги 75 минг динорнинг ҳозирги кундаги келтирилган қиймати 11 миллион 250 минг АҚШ долларига tengdir; биргина Ҳиротнинг ўзида 380 та хайрия бинолари Навоий маблағлари ҳисобига қурилган; ҳар куни бобомизнинг маблағлари ҳисобидан мамлакат бўйича 1000 га яқин қўй сўйилиб, ош тарқатилган; қаровсиз ерларни сотиб олиб, обод қилганлар; маош олмаганлар; хонақоҳда яшаганлар... Энди менинг қуйидаги саволларимга жавоб беринг: ўша пайтда бир кунлик даромади 75 минг динорга, яъни, ҳозирги кунда қиймати 11 миллион 250 минг АҚШ долларига тенг келадиган маблағни қўлга киритиш имконига эга бўлган ва шуни уddaлаган шахсни ким деб аташ керак? Буюк шоирми ёки буюк молиячи?! [5;369]. “Динор” қадимда мусулмон мамлакатларида қўлланилган пул бирлиги бўлиб, “олтин танга” маъносини англатган.

Алишер Навоийнинг иқтисодиётга оид қарашлари, мулоҳазалари унинг “Хазойинул-маоний” девони, “Хамса”, “Лисонут-тайр” достонлари, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Мажолисун-нафоис”, “Вақфия” ва бошқа асарларида баён этилган. Хусусан, 1500 йилда ёзилган “Маҳбуб ул-қулуб” аллома бадиий тафаккурининг гўзал ва ёрқин намунасиdir. Ахлоқий-дидактик йўналишда яратилган бу асарда инсонни улуғлаш ва эзгуликка интилиш, турли қасб эгаларининг яхши ва ёмон жиҳатлари, авлодларга ўrnak бўладиган фазилатлари қисқа, мазмунли ва таъсирли услугда ифодаланган. Аллома меҳнатни жамият бойлигининг асосий манбаи деб ҳисоблайди. Муаллиф шоирлар, тарихчилар, хаттотлар, наққошларнинг меҳнатини уларнинг ижодига ва бадиий маҳоратига қараб белгилайди, берилиб ва астойдил қилинган ижодий изланишни самарали меҳнат, деб ҳисоблайди. Ишлаб чиқариш, савдо-сотик, ҳунармандчилик, дехқончилик каби меҳнатнинг бошқа хилларида фойда ва баҳонинг меъёри, уларнинг хусусиятларини атрофлича ёритади. Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб”ида ҳар бир қасб эгаси учун тил ва амал мутаносиб бўлиши, жамият иқтисодий тараққиёти мамлакат подшоҳи ва мансабдорларига боғлиқ эканлиги маҳорат билан очиб берилади: “одил салотин (подшоҳ) ҳақ таолонинг халойиққа марҳамати, ...қўллар тўла улус моли, ...туннинг кўпи дўконларда савдо учун шамъ, ...очлар ғизоси (овқати) базл (инъом) ва атоси (муруввати) хонидин, ялонғочлар либоси хизонаи (хазина) лутф ва эҳсондин” бўлса, “беклар (вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари) шоҳфа чин сўз дегучи, ...эл моли тамаъи кўнглида нобуд (йўқ)”, “вузаро (вазирлар) мулкни барбод бергувчилар ва мулк аҳли йиғиштурғонларни битиргучилар (йўқотгувчилар)” бўлмаслиги, “кузот (қозилар) ришваҳўр (порахўр) – ислом ҳисори (қўрғони)ға раҳнагар”, “муфтилар бир дирам учун юз ҳақни ноҳақ этгувчи, ...бир сабат узум учун бир боғни қўйдурмақдин ва бир ботмон буғдой учун хирмонни

совурмоқдин” тийилиши, шариат қонунларини бузмаслиги керак. Алломанинг фикрича, “хозин (хазиначи) ҳунари амонат бўлур ва тасарруфи (рухсатсиз сарфлаш) хиёнат бўлур”. Навоий котиб, дабиристон (мактабдор домла), имомлар, мутриблар (ашулачи), муғаннийлар (чолғувчилар), қиссаҳонлар ва бошқаларнинг фаолиятидан ўзгалар барака топишса, касб эгаси фойда кўришини ва аксинча бўлса, зарар кўришини ўзига хос сўз ва ибораларда маҳорат билан тасвирлайди.

Маълумки, иқтисодиётда савдо-сотиқ муҳим ўрин тутади. “Махбуб ул-қулуб”да тижорат, савдо-сотиқ масалалари, савдогарлар, бозор косиблари ва ҳунармандларнинг иқтисодий фаолияти чуқур ёритилган. Навоий ҳалол йўл билан топиладиган бойликни тарғиб қиласди, товламачилик ва таъмагирчилик ҳисобига бойлик орттиришни эса қоралайди. У савдо-сотиқ билан шугулланувчиларни икки гурухга ажратади; тижорат аҳли ва шаҳарда олиб сотқувчилар. Тижорат аҳли, яъни савдогарлар дунёning турли жойлари ва шаҳарларида бўлиш учун машаққатли йўлларни босади: “жибол(тоғ) тоши ва дашт қумиға ноқа (туя) сурган, биҳор (дарёлар, денгизлар) амвожи (тўлқинлар) талотуми (урилиши) дин нафъ ва зарар кўрган, ҳалол рўзи (насибаси) касбига масофатлар қатъ этган (йўл босган). Бири юз бўлурдин бошида минг савдо, бузи катон бўлурдин кўнглида неча таманно”. Матндаги “катон” сўзи “Навоий асарлари луғати” ва “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”да “канопдан тўқилган кийимлик, мато” тарзида изоҳланган. Фикримизча, катон матнда “қимматбаҳо, нафис мато”, “ипак”, “шойи” маъносида келган: бошида бирни юз қиласман деган савдо; кўнглида бўзни шойига айлантираман, деган истак. Навоий таъкидлашича, савдогар фойда қиласман деб ўзини каттиқ машаққатга қўймаслиги, фойда кўриш мақсадида денгизга кема сурмаслиги ва дур оламан, деб наҳанг оғзига қўл солмаслиги, мол ва пул кўпайтириш учун хасислик қилмаслиги, нафис матоларни аяб эски чопон киймаслиги, лаззатли таомларни кўзи қиймай, қаттиқ нон емаслиги керак. Топган фойдасини эса тирикчилигининг яхши ўтиши ва кўнгил фароғати учун ҳам сарфлаши зарур. Алломанинг фикрича, савдогар муҳтож кишиларга берилиши лозим бўлган шаръий закон – диний солиқни вақтида бериб туриши, фақирларнинг ҳақлари бўйнида қолмаслиги, бож-хирожни бериш ўрнига молини яшириб, обрўсими тўқмаслиги, топган-тутганини меросхўрлари сочиб-совуриши учун тўплаб қўймаслиги лозим. Акс холда “мундоқ киши хожа эмас, муздурдур (мардикор, ёлланиб ишлайдиган киши) ва ўзлашм (хасислик) ва разллиғидин ҳамиша ранжур (азоб-уқубат)дур”.

Навоий “шаҳарда олиб сотқувчилар”га нисбатан жуда жиддий ёндашади ва уларни қаттиқ танқид қиласди: “Шаҳр савдогари ғадркиш, ўзига суд ва мусулмонларға қаҳтандиш. Элға зиён анинг суди, ўнғой олиб, оғир сотмоқ анинг мақсади. Олурда катонни бўз деб, сотарда бўз васфида катондин ортуғ юз сўз деб. Шолни тўрқа ўрнифа ўткара олур бўлса, таъхир йўқ, бўрёни зарбафт ерида сота олур бўлса, тақсир йўқ. Дўконида барча матоъ мавжуд, ғайри инсоф. Ноинсофлиғидин барча жинс ҳосил, ғайри тақсирға эътироф. Тожири мусоғир ул кадбонуға ҳамзону, балки ани черикчи деса бўлур, муни кадбону. Анга суд – олғувчига нуқсони мол, икки жонибдин ёлғон онт ичгувчи даллол [7;472]. Навоийнинг олиб- сотувчиларнинг чиркинлигини ҳаққоний ва таъсири ифодалагани матндаги баъзи сўзлар изоҳидан сўнг аён бўлади: “ғадркиш” – алдамчи, хиёнатчи; “қаҳтандиш” – қаҳатчилик тиловчи; “суд” – фойда; “ўнғой олмоқ” – арzon олмоқ; “оғир сотмоқ” – қиммат сотмоқ”; “тўрқа” – канопдан тўқилган қимматбаҳо мато; “таъхир” – пайсалга солиш; “бўрё” – бўйра; “зарбафт” – зардан тўқилган; “тақсир” – камчилик кўрсатиш; “жинс” – мато, хил; “ҳосил” – мавжуд; “эътироф” – иқрор бўлиш; “кадбону”

– хотин, уй бекаси; “ҳамзону” – тиззама-тизза, ҳамдам; “чериқчи” – аскар; “жониб” – томон, жиҳат; “даллол” – воситачи, ҳийлагар.

Навоий яшаган даврда иқтисодиётнинг ривожланиши қишлоқ хўжалигига ҳам боғлиқ бўлган. “Махбуб ул-қулуб”нинг 31-фасли “Деҳқонлик зикрида” деб номланган бўлиб, Навоий деҳқоннинг ҳалол меҳнати орқали етиштирилган дондан барча баҳраманд бўлишини, унинг дони гадойнинг тўрва ҳалтасини нонга, шоҳ хазинасини инжу ва олtinga тўлдиришини мохирона тасвирлайди: “Оlam маъмурлиғи алардин, олам аҳли масрурлиғи алардин. Ҳар қаён қилсалар ҳаракат, элга ҳам қут еткарур, ҳам баракат” [7;474]. Деҳқон сўзи форсча ўзлашма бўлиб, Навоий асарларида “ер эгаси”, “қишлоқ хўжалиги ишларини бажарувчи”, “дон етиштирувчи киши” маъноларида кўлланилган. Бу сўзга “-лик” аффиси қўшилиб “деҳқонлик” сўзи ясалган ва экин экиш билан шуғулланувчи шахс номини ифодалай бошлаган. Ҳозирги ўзбек тилида “деҳқон – асосий иши ерга ишлов бериш, экин экищдан иборат бўлган киши” [7;603] маъносида ишлатилади.

Иқтисодиётда асосий ишлаб чиқариш воситаси ер ҳисобланишини Навоий яхши билгани учун “Вақфия” асарида вақф ерлари ва уларнинг хусусиятлари ҳақида кенг маълумот берган. Вақф ерлари масжид, мадраса, диний ташкилотларнинг ҳукукий мулки ҳисобланган. Бу мулклардан келган даромадларни қай тарзда тақсимлаш ва фойдаланиш “Вақфия”да аниқ акс этган. Вақф ерларидан келган даромадлар маҳсулотлар – буғдой, жўхори, арпа, дон шаклида тақсимланиши, вақфнома ҳужжатларида ижарага берилган ернинг ҳар бири учун тўловлар миқдори, ижара ҳақи олинган ҳосил ва ернинг ҳажмига қараб белгиланиши, ерлар таноб, газ, бўлак каби ўлчовларда ўлчаниши, ер майдонларининг аниқ чегараси ва ҳажми, ҳосилни тақсимлашусуллари “Вақфия” асарида атрофлича ёритилган. Навоийнинг фикрича, ерда етиштирилган неъматлардан барча аҳоли баҳраманд бўлади ва мамлакатнинг иқтисодий қурдати қишлоқ хўжалигининг ривожланишига боғлиқ бўлади.

“Вақфия”да мадраса жамоасига вақфдан келадиган даромаднинг тақсимланиши ниҳоятда аниқ ва қизиқарли тарзда баён этилган: “Арбоби вазоиф – иққи олими муттақий мударрис бўлғай: ҳар бирининг йиллиқ вазифаси минг икки юз олтун нақда, йигирми тўрт юк ошлиғким, сулси арпа, сулсони буғдой бўлғай. Ҳар ҳалқаи дарсда ўн бир толиби илмким бориси йигирми икки бўлғай, олти аъло; ҳар бирига ойлик нақда йигирми тўрт олтин, йилда буғдой беш юк, васат – секиз; ойлиғ ҳар бирига нақда ўн олти олтун, буғдой йиллиқ тўрт юк; адно – секиз: ойлиғ ҳар бирига нақда ўн икки олтун, ошлиғ йиллиқ уч юк”. Матндаги “арбоби вазоиф”, “мутақкий мударрис” бирикмалари “вазифа эгаси” ва “ҳалол дарс берувчи, мударрис” маънолари, йигирма икки толибдан олтитаси аъло, саккизтаси васат (ўрта) ва саккизтаси адно (паст, қуйи) эканлиги ҳисобга олинса, мударрислар ва толибларга ажратилган маблағларнинг миқдори аниқ бўлади. Навоий яшаган даврда “нақда” – мавжуд пулни, “олтун” – олтиндан зарб қилинган пул бирлигини, “ошлиғ” – ғалла, донни, “юк” эса бир улов кўтарадиган оғирликни, “сулс” учдан бирини, “сулсони” учдан иккисини ифодалаган.

“Олти хушхон ҳофиздин мусаддирға йиллик нақда беш юз олтун, муносифа ошлиғ ўн бош юк; сойирдин ҳар бирига йиллик нақда юз сексон олтун, буғдой тўрт юк. Шайхқа йиллик нақда минг олтун, мунофа ошлиғ ўн юк. Воизға йиллик нақда беш юз олтун, буғдой ўн юк. Имомға, масжиди жомеъда хатиб бўлуб, мактаб дағи тутғай, йиллик нақд икки юз олтун, буғдой ўн юк. Муқриға йиллик нақда юз олтун, буғдой беш юк. Хонақоҳ таббохининг йиллиғи нақда икки юз сексон олтун, буғдой беш юк. Табақчиға йиллик

нақда икки юз олтун, буғдой беш юк. Бир фаррош ва икки ходимдин ҳар бирига икки юз олтундин олти юз олтун, буғдой беш юқдин ўн беш юк”. Матндан вазифа эгалари – “ҳофиз мусаддир” (Қуръонни бошловчи), “шайх” (суфийлар бошлиғи), “воиз” (ваъз айтувчи, маърузачи), “хатиб” (масжидда минбарга чиқиб панд-насиҳат қилувчи), “муқри” (қироат қилувчи, қори), “таббоҳ” (ошпаз), “табакчи” (овқат ташувчи)лар бажарадиган ишларига мос маблағ ва ошлиғ олишган.

“Мутавалликим, икки ободон навкар асрағай, вилоёт зироати насақи учун, йиллик нақда уч минг олтун, ошлиғ ўттуз юкким, бу маблағ ва миқдордин чаҳор донгини ўзи олғай, ду донгин ул икковга етқургай. Мушрифқа йиллик нақда беш юз олтун, ошлиғ беш юк, соҳиб жаъмға йиллик нақда беш юз олтун, ошлиғ беш юк”. Матндан “мутавалли” мадраса, масжиднинг ер-мулкини, кирим-чиқимларни идора қилувчи, “мушриф” – бошқарувчи вазифасини бажарувчи, “соҳиб жаъм” – молия ишларининг маъсул ходими, “навкар” – мулозим, “насақ” – аҳвол, “донг” – нарсанинг олтидан бир қисми маъноларида қўлланилган.

Таъкидлаш жоизки, Алишер Навоий иқтисодни, ижтимоий ҳаётнинг барча икир-чикирларини жуда яхши билган ҳамда илмий ва бадиий асарларида кўплаб иқтисодий сўзлар, терминлардан моҳирона фойдаланган: улар даврнинг иқтисодий ҳолатини, ҳаётни реал акс эттириш ҳамда бадиий мақсадлар тақозоси билан қўлланилган. Навоий асарларидаги иқтисодий сўзларнинг маълум бир қисми ҳозирги ўзбек тилида маъноси ўзгармаган ҳолда ишлатилади: ижара – вақтинча фойдаланиш учун тўланадиган ҳақ; маблағ – нақд пул, нақдина; манфаат – фойда, даромад; маош – тирикчилик, яшаш, ҳаёт, турмуш учун зарур маблағ; маҳр – қиймат, баҳо, қалин (уйланишда куёв томонидан келинга бир қисми нақд бериладиган пул, мол); мол – мол-мулк, даромад, бойлик; моллиқ – бой-бадавлат; мусодара – мусодара, жарима; муҳосиб – ҳисобчи, ҳисобдор; нарх – баҳо; нафақа – маош, харажат; нафъ – фойда, мадад; нақд – пул, бойлик, қимматбаҳо нарсалар; сахий – жўмард, қўли очик; солиғ – солиқ; танга – тийин, пул бирлиги; товоң – жарима, бирор ишдаги зарар эвазига тўланадиган ҳақ; тожир – савдогар, тижоратчи; тортиғ – мукофот, ҳадя ва бошқалар.

Аллома асарларидаги баъзи иқтисодий сўзлар ҳозирги ўзбек тилида қўлланилмайди ёки бошқа маънени ифодалайди. Кунуз – хазиналар; мавожиб – белгиланган иш ҳақи; маврус – мерос; маодин – конлар, хазиналар; масриф – сарф, харажат, чиқим, харажат қилинадиган жой; маҳзан – хазина, қимматли мол-ашё сақланадиган жой; музд – иш ҳақи; мусриф – сарф қилувчи, исроф қилувчи; муфт – текин, бепул; муштарий – сотиб олевчи, харидор; сарроф – пул алмаштирувчи, пул майдаловчи; сойғамоқ – сарфламоқ, харж қилмоқ; соҳибнисоб – молия ишлари масъул ходими; суд – фойда, наф; тамаввул – молдорлик, бадавлатлик; толон – ўлжа мол; тухаф – тухфалар ва бошқ.

Халқларнинг иқтисодий ва савдо-сотиқ алоқалари натижасида бир тилдан иккинчи тилга сўзлар ва терминлар ўзлашади. Шу сабабли ҳар бир тилнинг луғатларида этимологик жиҳатдан шу тилнинг ўзиники бўлган сўзлар билан бирга ўзга тиллардан ўзлашган луғавий бирликлар бўлади. Алишер Навоий ўз асарларида умумтуркий иқтисодий сўзлар билан бирга уларнинг арабча, форсча синонимларидан унумли фойдаланган ҳамда сўз қўллаш маҳоратини намоён қилган: бозоргон-савдогар-тожир; бойлик-сармоя-давлат-маблағ; байъона-баҳо-қиймат-бай пули; манфаат-фойда-даромад; нарх-баҳо; нафақа-маош-харажат; аҳднома-шартнома; музд-маош; савдогар-тожир; аммол-солиқигир; нақда-пул-нақдина-нақд-олтин; савдопеша-савдогар-савдогарчилик ва бошқ. Юқорида қайд этилган иқтисодий сўзларнинг баъзилари архаик сўзларга (музд, аммол) айланган

бўлса, бошқалари фонетик ва семантик ўзгаришларга (бозоргон, нафақа) учраган, бошқалари эса (сахий, сармоя, нарх, маблағ) ҳозирги ўзбек тилида фаол ишлатилмоқда. Навоий иқтисодиётга оид сўзларни, бирикмаларни маҳорат, синчковлик билан танлаб пурмањно ва ихчам афоризмлар яратади: “Сахий булутдур – иши хирмон, балки маҳзан (хазина) бермак; Улки эл кўрмагунча бермас – лайм (пасткаш)дур, сахий эмас; Бирта ўтмак (нон)ни икки бўлуб, ярмин очға берганни сахий де, ўзи емай барин муҳтожга берганни ахий (биродар) де” [7;507]. Унинг асарларида иқтисодий сўз, термин ва бирикмаларнинг лексик-семантик ҳамда услубий хусусиятларини монографик таҳлил қилиш ўзбек тилшунослиги олдида турган асосий вазифа ҳисобланади.

Умуман, Алишер Навоийнинг етук давлат арбоби сифатида мамлакатнинг ободончилиги йўналишида амалга оширган ишлари, халқни тўқ ва фаровон ҳаёти учун қилган фидойиликлари неча асрлардан буён саховат ва олижаноблик намунаси вазифасини бажармоқда. Алломанинг барча тоифа ва касбдаги кишиларнинг яшаш тарзи, фазилатлари, камчиликлари, иқтисодий фикрлари, қарашларини аниқ ифодалагани мутафаккир бобомизнинг истеъдодли иқтисодчи бўлганлигидан дарак беради. Алишер Навоийнинг асарларида ҳайётнинг барча жабҳаларига тегишли сўзлар, терминлар қўлланилганлиги унинг буюк ва қомусий олим эканлигини тасдиқлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4 томлик. 1 том. – Тошкент: ФАН, 1983. – 646 б.
2. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4 томлик. 2 том. – Тошкент: ФАН, 1983. – 642 б.
3. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4 томлик. 3 том. – Тошкент: ФАН, 1984. – 622 б.
4. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4 томлик. 4 том. – Тошкент: ФАН, 1985. – 636 б.
5. Маликов Т.С. Агар огоҳсен... – Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2022. – 410 б.
6. Навоий асарлари луғати. – Тошкент: Faafur Fulom, 1972. – 782 б.
7. Навоий, Алишер. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Тўққизинчи жилд. – Тошкент: Faafur Fulom, 2011. – 648 б.
8. Самарқандий, Давлатшоҳ. Тазкират уш-шуаро. – Тошкент: Faafur Fulom, 1985.
9. Хондамир. Макорим ул ахлоқ. /Навоий замондошлари хотирасида. – Тошкент: Faafur Fulom, 1985.
10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 1 жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 679 б.



МУНДАРИЖА

Инновацион гоялар ва ишланмалар

Н.ХУСАНОВ. Навоийнинг иқтисодий қарашлари ва соҳа лексикаси..... 3

Иқтисод

А.А.ИСАДЖАНОВ. Хитой инновацион сиёсатининг ривожланиш тамойили.....	11
Ш.Н.МУРАТОВА. Формирование подходов к классификации отдельных видов товаров с учетом сложившейся международной практики.....	18
Ю.Р.ЯКУБОВА. Озиқ-овқат товарлари бозорида сотиш тизимини амалга ошириш ва унинг назарий асослари.....	25
Қ.Т.ИБРАГИМОВ. Сурхондарё вилоятида уй-жой қурилиши корхоналарининг SWOT таҳлили	32
Қ.А.ЖАҲОНГИРОВ. Туризм соҳасида транспорт хизматларининг ўрни ва аҳамияти	37
С.Т.НОРКУЛОВ. Таълим соҳасини рақамлаштириш: хориж тажрибаси ва унинг амалий аҳамияти	42
Г.К.МУЙДИНОВА. Методологические аспекты управления персоналом на предприятиях	48

Юридик

Г.Ш.УЗАКОВА. Шаҳарларни барқарор ривожлентиришда экологик масалалар: хуқуқий жиҳатлари	55
А.А.ГАФУРОВ. Суд хужжатларини ижро этиш тарихи ва ривожланиш босқичлари.....	62
А.Б.ХАЙРУЛИНА. Институт по пересмотру судебных актов в гражданском процессе зарубежных стран.....	68
З.Ш.ШОФИЕВ. Фермер хўжаликларининг сув ресурсларидан фойдаланишини хуқуқий тартибга солишнинг юридик табиати ва асослари	74

Филология

М.ОМАНОВА. Исажон Султоннинг “Алишер Навоий” романида Навоий образи	79
Ш.А.СУЛТАНОВА. Электрон лугатлар ва анъанавий лугатлар ўртасидаги тафовутлар	84
Н.Н.РАМАЗОНОВ. Эссе жанри ва унинг хусусиятларига доир	91
З.Р.ЮНУСОВА, Г.Г.НИЯЗОВА. Инглиз ва ўзбек тилларида оила концептини ифодаловчи мақоллар	96
С.Х.АЗИМОВА. Эвфемизм – тил маданиятининг кўриниши сифатида	100